Ушбу сонда:



ЕР ФЕРМЕРга ҚАЙТАРИЛДИ 2

Huquqiy ma'rifat

ПРОКУРОР АРИЗАСИ

ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ 3

Savol va saboq

ФАРЗАНДИМ – ДАВЛАТИМ



Ана шу муқаддас тушунчадан тонаётган кимсаларни ким деб аташ мумкин?

Falsafa va qonun

ИММАНУЭЛ КАНТ

НЕМИС ФАЛСАФАСИ ХАЗИНАБОНИ 4

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 3 (310)
2003 йил 21 ЯНВАР
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Sharh

## ПАРЛАМЕНТАРИЗМ: ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ СОБИТ ҚАДАМ



Мамлакатимиз Парламентининг икки палатали тизимга ўтиши қонунчилик механизмини такомиллаштиришда, қонуннинг ижтимоий ҳаётдаги таъсирчанлигини оширишда муҳим сифат белгиси бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда Парламент қуйи палатасининг иштироки асосий ўрин эгаллайди. Чунки қабул қилинажак қонунлар ушбу палатада тайёрланади. Ўзбекистон Парламентининг қуйи палатаси — қонунчилик палатаси деб номланиб, яқинда бўлиб ўтган сесияда қонучилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонун ҳам қабул қилинди. Ушбу қонун Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси мақомини белгилаш, унинг иш фаолиятини ташкил этиш, Олий Мажлиснинг Сенати ва бошқа давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлигига доир муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Қонунчилик палатаси таркиби бир юз йигирма нафар депутатдан иборат бўлиб, улар доимий равишда фалият юритади. Депутатлар кўппартиявийлик асосида жойлардаги сайлов округларидан сайланади. Юқори палатадан фарқи шуки, бунда депутатлар фақат сайланади ва доимий фаолият юритади.

Қонунчилик палатасининг ваколат муддати беш йил бўлиб, депутатликка йигирма беш ёшга тўлган ва камида беш йил мамлакат ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир пайтнинг ўзида бир шахс қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас. Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Қонунда палатанинг ваколатлари икки доирада, яъни Сенат билан биргаликдаги ваколатлари ва мутлақ ваколатлари қайд этилган. Қонунчилик палатасининг Сенат билан биргаликдаги ваколатлари жумласига Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, конституциявий ҳамда бошқа қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикасида референдумлар ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш, Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идораларининг ваколатларини белгилаш ва қонунда белгиланган бошқа ваколатлар киради.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари жумласига эса қонунчилик палатаси спикери ва унинг ўринбосарлари, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш, Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш кабилар киради.

Қонунчилик палатаси иш фаолиятининг маҳсули сессия даврида ўтказиладиган мажлислари ҳисобланади. Қонунда палата ўз сессияларини сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июн ойи охирги иш кунига қадар ўтказиши белгилаб қўйилди. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ҳамда палаталар лозим топган бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилади.

Қонунчилик палатасини спикер бошқаради, у биринчи мажлисда қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қонунчилик палатасининг ваколат муддатига сайланади.

Палатада ишни самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида қонунчилик палатаси Кенгаши тузилади. Шу билан бирга қонун лойиҳаларини тайёрлаш, қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларни ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун палата қўмиталари ташкил этилади. Қўмита қонунлар ва палата қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қонун лойиҳалари юзасидан хулосалар бериш, қабул қилинган қонунлар, шунингдек, қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш каби қонунда белгиланган тегишли ваколатларга эга.

Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий идораси орқали Қорақалпоғистон Республикаси, қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадир. Улар бу ҳуқуқни қонун лойиҳасини қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширадилар.

Қонун лойиҳаси қонунчилик палатасига киритилганидан кейин палата спикери уни дастлабки тарзда кўриб чиқишга масъул бўлган қўмитани белгилайди. Қонун лойиҳасини ўрганган қўмита уни қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш ёки қонун лойиҳасини киритган идорага қайтариш тўғрисида масалани Кенгаш олдига қўяди. Кенгаш тасдиғидан ўтган қонун лойиҳаси палата томонидан бир неча ўқишда кўриб чиқилади. Ҳар томонлама ўрганилган қонун палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Сенатга юборилади. Қонунни Сенат муҳокама қилгандан сўнг уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади. Қайтарилган қонун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулланса, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига тўғридан-тўғри имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузишлари мумкин. Келишув комиссияси қонуни ўрганиб чиқиб, ўз таклифларини қонунчилик палатасига беради. Қонунчилик палатаси келишув комиссиясининг таклифлари юзасидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилади. Қабул қилинган таклифларни эътиборга олиб, Қонунчилик палатаси қонунни қайта кўриб чиқади ва қонун одатдаги тартибда қабул қилинади ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади. Сенат томонидан маъқулланган қонун ўн кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Қонун Президент томонидан ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади. Қонунни Президент ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Президент томонидан қайтарилган қонун қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилиб, қонунни Президентнинг мулоҳаза ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш ёки бундан буён кўриб чиқмаслик ёхуд қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш каби қарорлардан бири қабул қилинади.

Умуман олганда, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ушбу қонун Олий қонунчилик идорасининг мақоми, унинг фаолият йўналишларини белгилаб бериб, жамият ва давлат ҳаётида қабул қилинажак қонунларни сифатли ва мукаммал бўлишига ҳуқуқий замин яратади. Ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш сари бораётган мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳуқуқий асослари икки палатали Парламент уйғунлигида яратилади. Бу уйғунлик қонунларни енгил-елпи қабул қилинишига бархам беради. Биз Ўзбекистон келажагини, унинг ҳуқуқий пойдеворини келажакда ана шу икки палатали Парламент фаолиятида кўрамиз.

**Завқиддин АМОНОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

O'ZBEKISTON ва дунё

кеча, бугун, эртага

☑ *Тошкентда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг Республика конференцияси бўлиб ўтди.*

☑ *Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди.*

☑ *"Экосан" экология ва саломатлик жамғармаси Бўстонлиқ туманидаги «Чимён-Чорвоқ курорт зонаси»га халқаро миссия уюштирди.*

☑ *Қашқадарёда "Обод маҳалла — озод Ватан таянчи" мавзуида энг яхши асарлар кўрик-танлови ўтказишга қарор қилинди.*

☑ *"Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивали бу йил истиқлол байрам арафасида Самарқанд шаҳрида тўртинчи бор ўтказилади.*

☑ *Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида "Камолиддин Беҳзод — Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

☑ *Берлинда ўтказилаётган "Яшил ҳафта-2003" қишлоқ хўжалик маҳсултлари халқаро кўргазмасида ўзбекистонлик деҳқонлар ҳам иштирок этмоқда.*

☑ *Юртимиз Қуролли кучлари марказий музейида 3-Бутунармия бадиий кўргазмаси очилди.*

### Москвада футбол бўйича ҳамдўстлик мамлакатлари чемпионлари кубоги старт олди



*Мамлакатимиздан вакил бўлиб борган "Пахтакор" жамоаси икки ўйин ўтказди. Биринчи ўйин Донецкнинг "Шахтер" футбол жамоаси билан майдонга тушиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи ўйин эса Озарбайжон ёшлар терма жамоаси билан ўтказилиб, 1:1 натижа билан якунланди.*

### Британия полицияси Лондондаги йирик масжидлардан бирида махсус операцияни амалга оширди



*20 январ куни кечқурун Лондондаги энг йирик масжидларидан бирида махсус операцияни амалга оширди. Ушбу операция заҳарли мода — рицин моддаси билан ушланган террорчилар гуруҳи томонидан содир этилган жиноятнинг қидируви доирасида амалга оширилди. Операция натижасида 7 нафар киши қўлга олинди.*

### Ҳиндистонда террорчилар йўловчи автобусни портлатди



*Якшанба куни Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида содир этилган бу террорчилик ҳаракатлари оқибатида 21 киши жароҳат олди.*

*Террорчилар Кулгам шаҳридаги автобус бекатларидан бирида граната ташладилар. Гранаталардан бири йўловчи автобус остида портлади.*

### Хитойда меҳмонхона портлатилди: 5 киши вафот этди, 11 киши яраланди



*Чоршанба куни кечқурун Хитойнинг Шеньси вилоятидаги меҳмонхоналардан бирида портлаш содир бўлди.*

*Портлаш оқибатида 5 киши ҳаётдан кўз юмди, 11 киши жароҳатланди. Хитой расмий манбаларининг хабар беришича, "Цзинбянь" меҳмонхонасига портловчи қурилма жойлаштирилган экан.*

Ajab savdolar

## ОСОН БУЗИЛДИ, БИРОҚ...

2000 йилнинг июл ойи бошлари эди. Ўша пайтдаги вилоятнинг собиқ раҳбарларидан бири шаҳардаги марказий "Термиз" ва "Барчиной" бозорларини бориб кўришга жазм этди. Бозорни айлана туриб, собиқ раҳбар бу ердаги тадбиркорлар томонидан қурилган савдо дўконларини бузиб ташлашга оғзаки кўрсатма берди. Шундан сўнг зудлик билан топшириқ бажаришга киришилди.

Тадбиркорлар ўз дардларига малҳам топиш учун шаҳар ҳокимиятига йўл олишди.

— Ҳовлиқманглар, ҳаммаси жойида бўлади. Қарор ҳам чиқарамиз, пулини ҳам тўлаймиз. Бошқа ердан жой ҳам кўрсатамиз, — дея улар шаштини туширган бўлди шаҳар ҳокимининг собиқ қурилиш бўйича ўринбосари Х. Расулов.

Бундай ваъдаларни шаҳар ҳокими А. Чориев ҳам қаторлаштириб ташлади.

— Ер ажратамиз, харажатларни тўлаймиз, — деди у тадбиркорларни юпатиб.

Тадбиркорлар мутасадди раҳбарлардан ваъдаларни олгач, бироз кўнгиллари таскин топгандай бўлди. Уларнинг бошқа иложлари ҳам йўқ эди-да.

Бу орада Термиз шаҳар ҳокимининг 2000 йил 7 июлдаги 816-қарорига кўра, Ат-Термизий кўчаси бўйлаб жойлашган "Термиз" марказий очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли бозорни қайта таъмирлашга рухсат этилди. Шу қарорга кўра, кўча бўйлаб жойлашган шахсий дўконлар яна кўчирила бошланди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

### У ҚОНУН БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Ҳар бир фуқаро, жамиятда қандай ўрин тутишидан қатъи назар, кундалик эҳтиёжлари тақозосига кўра истеъмолчи ҳисобланади.

Истеъмолчи эса энг сифатли маҳсулотлардан баҳраманд бўлишга, сифатли хизматларидан фойдаланишга тўлиқ ҳақлидир.

Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши борасида мустаҳкам қонунчилик асослари яратилган.

**"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"**-ги каби қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган **"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори зикр этилган қонун ҳужжатларини ҳаётга янада тўлиқроқ татбиқ этиш борасида муҳим қадам бўлди. Мазкур қарор истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган.

— Истеъмол маданиятини юксалтиришда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим аҳамиятга эга, — деди Ўзбекистон истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси З.Сайдаминова ЎзА мухбири билан суҳбатда. — Мамлакатимизда бу борда муайян тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганига қарамай, очиғини айтсак, кўпчиликнинг истеъмол маданияти бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Инсон жамиятда яшар экан, ўзи учун энг зарур бўлган, ўз соғлиғи ва ҳаётига дахлдор ҳуқуқларидан бохабар бўлиши лозим. Оддий мисол: исталган дўконга кириб, зарур маҳсулот ёки буюм сотиб олмоқчи бўлсак, сотувчига пулини берамизу товарни олиб кетаверамиз. Лекин харид қилаётган нарсамизнинг қаерда, қачон, ким томонидан ишлаб чиқарилганлиги, уни қачонгача ишлатиш мумкину қандай фойдаланиш лозимлиги билан унчалик қизиқиб кўрмаймиз. Шу боис баъзан "усти ялтироқ, ичи қалтироқ" буюмларга маблағ сарфлаганимиздан аттанг қилиб қоламиз.

Аслида эса ҳар қандай товарнинг хусусиятлари ва сифати, фойдаланиш, ишлатилиш шартлари, кафолати ва яроқлилик муддати, шунингдек, товарни ишлаб чиқарувчи, унинг нархи, товар хавфсизлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати мавжудлиги ва умуман маҳсулот ва уни сотувга чиқарган корхона тўғрисидаги барча маълумотларни сотувчидан талаб қилишга ҳаққимиз бор.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олишда сотиб олинган санаси ва сотиб олинган товарнинг қиймати, айнан шу корхонадан сотиб олинганлигини тасдиқловчи касса чеки, тилхат, квитанция ёки бошқа ҳужжат берилишини талаб қилиш лозим. Агар сотиб олинаётган товарнинг техник паспорти мавжуд бўлса, у ҳолда дўконда товарнинг сотилган санаси кўрсатилган ҳолда белги қўйиб беришлишини талаб қилиш керак бўлади. Бу эса сотувчининг имзоси, корхонанинг муҳри ёки тўртбурчак штампи билан тасдиқланган бўлиши шарт.

**"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасида "Олди-сотди амалга оширилаётганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чеки бермасдан сотиш таъқиқланади"**, деб алоҳида қайд этилган. Бу қоиданинг амалда татбиқ этилиши, аввало, истеъмолчи ҳуқуқий ҳимояси кафолати бўлибгина қолмай, пул маблағларининг қонуний айланишини ҳам таъминлайди. Бу борада кейинги йилларда мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин барча савдо шаҳобчалари ва хизмат кўрсатиш тизимлари ҳам ўз фаолиятини қонуний асосда ташкил этяпти, деб бўлмайди. Бунга фуқароларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўла фойдаланмаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Турли харид ёки хизматлар учун каса чеки талаб қилиш зарурлиги ҳақида кўп гапирилади. Лекин амалда чек талаб қилиш у ёқда турсин, баъзи сотувчилар қўлимизга тутқазган чекка аҳамият ҳам бермаймиз. Аслида чек буюм ёки маҳсулот сотиб олганимизни тасдиқловчи ҳужжат сифатида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда ягона ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қўлида чек мавжуд бўлса, қонунда кўрсатилганидек, **"истеъмолчи макбул сифатли ноозиқ-овқат товарни харид қилган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу сотиб**

Biz va qonun

**олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли"**. Ёки **"товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан 20 кун ичида, ишлаб чиқарувчи 10 кун ичида бепул бартараф этиши лозим"**.

Истеъмолчи ҳуқуқлари бузилган ҳолларда, аввало, ўзига хизмат кўрсатган корхона, дўкон, устахона, дорихона, шифохона ва ҳоказоларнинг мансабдор шахсларига оғзаки тарзда мурожаат этади. Бу йўл билан ҳуқуқини тиклай олмаса, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат ва жамоат идораларига мурожаат қилади. Булар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, шунингдек, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда унинг ҳудудий жамият ва таянч пунктларидир. Истеъмолчи моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун бевосита суд идораларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Даъволар судга жавобгар, истеъмолчи жойлашган ёки зарар етказилган ҳудудда тақдим этилади. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар, мавжуд қонунчиликка биноан, давлат божини тўлашдан озод этилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Ajab savdolar

# ОСОН БУЗИЛДИ, БИРОҚ...

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Аслида юқоридаги қарорга кўра, бозор ҳудудидаги бузилиш назарда тутилган бино ва иншоотларнинг эгаларини аниқлаш ҳамда қурилиш ишларига сарф этилган харажатларни шаҳар бинолар ва иншоотлар ҳамда Давлат ер кадастири бошқармаси томонидан тақдим этилган нархлаш далолатномаси асосида тўланишини таъминлаш, шаҳар бинолари, иншоотлар ва Давлат ер кадастри бошқармасига (бошлиғи Ш.Раҳмонқуловга) бузилиши лозим бўлган бино ва иншоотларнинг далолатномасини тайёрлаш юклатилган эди.

Аммо мутасадди раҳбарлар бу қарорни оддий бир қоғозга айлантириб юборишди. Бунинг ўрнига раҳбарнинг оғзаки топшириғини бажаришга шиддат билан киришиб, бозордаги бузилиши лозим бўлган дўконларнинг ҳатто эгаларини ҳам аниқламасдан бир бошдан текислашга киришиб кетишди. 30 нафардан кўпроқ эгаси аниқланмаган, қурилиш учун қанча маблағ сарфлангани инобатга олинмаган тижоратчилар кўчада қолиб кетишаверди.

Шу ўринда дўппини қўлга олиб, озгина мулоҳаза юритиб кўрайлик. Дўкондор дастлаб бир парча ерни бино қурилиши учун ажратиб олиш ниятида шаҳар ҳокимияти биносига қатнайди. Дўкон қурилиши учун ер ажратиб олгач, қанчадан-қанча маблағ сарфлаб бино қуради. Кейин дўкон ҳужжатларини расмийлаштиришга киришади. Ҳамма нарса тахт бўлгач, савдо-сотиғини ривожлантириш учун бор-будини унга тикади. Аммо кутилмаганда ана шу меҳнати елга совурилгач, дўкондорларнинг аҳволини кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а... Хоҳлайсизми-йўқми, дилингизда ачиниш, уларга нисбатан ҳамдардлик уйғонади. Буёғи дўкон эгаси билан ҳисоблашмаслик, энг ёмони, тадбирор тижоратчининг унга берилган ҳақ-ҳуқуқларини "мен ҳар қандай қонундан зўрман" қабилида иш тутиб, поймол этиш... Хуллас, оворагарчилик, сарсон-саргардонликлар ҳали ҳам давом этаяпти. Орадан икки қиш, икки баҳор ўтиб, учинчиси яқинлашмоқда. Ўша 2000 йил ёз ойида дўконлари бузилган тижоратчилар ҳали ҳам ўз дўконлари учун тўланиши лозим бўлган маблағларни олишолмай сарсон-саргардон.

Савдо дўконлари бузилган тижоратчиларнинг баъзилари вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилишди. Адлия бошқармаси 2001 йил 19 октябр кунда Термиз шаҳар ҳокимига бузилган дўкон эгаларини аниқлаш, улар томонидан тақдим этилган қонуний ҳужжатлар асосида бузилган дўконларнинг нархини аниқлаб, сарф-харажатларни тўлаб бериш, мансабдор шахсларга тегишли қонуний чоралар кўриш ҳақида тақдимнома киритди.

Ушбу тақдимнома ҳам шаҳар ҳокимиятида "гунг" қоғозга айлантирилди. Ҳақ-ҳуқуқини тиклаб бериш ҳақидаги тадбиркорларнинг ариза ва шикоятлари кун сайин ортиб бораверди. Шаҳар ҳокимияти томонидан жиддий чоралар кўрилмаганлиги учун адлия бошқармаси томонидан дўкон эгалари ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб, "Термиз" тижорат бозори бўйича судларга жами 12 миллион 436 минг 632 сўмлик 14 та даъво аризаси киритилди. Улардан ҳозиргача 9 таси қаноатлантирилган бўлиб, 6 миллион 859 минг 351 сўмлик зарарни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилувчи қарорлари чиқарилди. Яна 4 та даъво аризаси судлар томонидан кўрилмоқда.

Шунингдек, адлия бошқармаси томонидан "Барчиной" бозори ҳудудидаги дўкон эгалари ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб, судларга 9 миллион 293 минг 564 сўмлик 3 та даъво аризалари киритилиб, унинг 2 таси қаноатлантирилиб, дўкон эгаларига 5 миллион 443 минг 986 минг сўмлик маблағ тўлаш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган ва бир ариза судда кўрилмоқда. Кўриниб турганидек, секинлик билан бўлса-да, иш олдга силжимоқда.

Аммо масаланинг яна бир чигал, ҳал қилиниши қийин бўлган жиҳати ҳам йўқ эмас. Гап шундаки, суд тегишли зарарни ундириб бериш ҳақидаги ҳал қилув қарори чиқаргани билан зарар кўрган тадбиркорга маблағ тўлашнинг имконияти йўқ. Чунки барча маблағлар ўша йилларда сарфлаб юборилган.

Термиз шаҳар ҳокимлигининг 2000 йил 7 январдаги 12-сонли қарорига асосан 2000 йилнинг 1-чорагида Термиз шаҳар капитал қурилиш бошқармаси томонидан Ат-Термизий кўчасидаги якка тадбиркор Рашид Норбеков, Равшан Ботиров ҳамда "Жасур" жамоа корхонасига ўз дўконларининг бузилгани оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш тўғрисидаги қарори ҳам қоғозда қолиб кетди. Шаҳар ҳокимиятининг капитал қурилиш бошқармаси икки йилдан буён уларни "маблағ йўқ, қарзга ботиб қолганмиз, умумий қарздорлик юз миллионгача етиб қолди, ким буздирган бўлса, ўша тўласин" қабилида сарсон қилиб келди. Ниҳоят, адлия бошқармасининг қайта аралашувидан сўнг шаҳар капитал қурилиши бошармасидан якка тадбиркор Рашид Норбековга 773.892 сўм, Рашан Ботировга 515.271 сўм, "Жасур" жамоа корхонасига 1.235.097 сўм ундириб берилди.

Лекин ҳали ўнлаб тижоратчилар эса бундан икки йил илгари бузилган дўконларнинг ҳақини ололмасдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига қайта-қайта мурожаат этишмоқда. Гап шундаки, уларга келтирилган зарарнинг қоплашга шаҳар капитал қурилиш бошқармасининг умуман имконияти ҳам, маблағи ҳам йўқ. Барча маблағлар ўша пайтда сарфлаб бўлинган. Республика ва вилоят молия бўлимларидан келаётган маблағлар эса мақсадлидир. Шу сабабли бир қисм тўловларни бозорлар ҳисобидан тушадиган маблағлар асосида қоплаб бериш назарда тутилган бўлса-да, бозорнинг ҳам бунга имконияти етмаяпти. Айни пайтда бундан икки йил илгари «бўлса-бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида бузиб ташланган дўкондорларнинг манфаатини кўзлаб, 24 678 234 сўмлик 25 та суд қарорлари чиқарилган бўлса-да, унинг қачон ижро этилишини ҳеч ким аниқ билмайди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Уларни қонун ҳимоя қилади. Ўйлаймизки, мутасаддилар баён этилган муаммога шу жиҳатдан ёндашиб, қонуний тўхтамга келишади. Шунда, термизлик тадбиркорларнинг сарсонгарчилигига ҳам чек қўйилади.

**Рўзибой ИБРОҲИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



Attang!

# ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

## У ИШГА ЁНДАШУВНИНГ ҚАНДАЙЛИГИНИ БИЛДИРАДИ

***Деҳқоннинг Она ерга бўлган оқибатли муносабати, қилган онгли меҳнати эвазига ўзи ва оиласига келадиган манфаатдорлик даражасининг юқори бўлиши кўп нарсани белгилайди. Айни шу жиҳатдан келиб чиқадиган бўлсак, хўжалик ва деҳқон ўртасида тузиладиган шартнома шартларига ҳалоллик билан амал қилиниши беқиёс аҳамият касб этади.***

***Хўш, шартномага ким қандай амал қилаяпти?***

Қашқадарё вилояти, Усмон Юсупов номидаги туманнинг "Миришкор" ширкат хўжалиги ва Касби туманидаги "Пахтакор" номли қишлоқ хўжалиги кооперативларида бўлиб, хўжалик билан оилавий пудратчилар ўртасида шартномалар қандай тузилганлиги, унга қандай амал қилинаётгани билан қизиқдик.

Маълумки, Қашқадарёнинг чўл ҳудудларида ташкил этилган хўжаликларнинг кўпчилиги фермерлар уюшмасига айлантирилмоқда. "Миришкор" хўжалиги деярли туман марказида жойлашгани, бошқа хўжаликларга нисбатан аҳолиси кўплиги учун ўз иш услубини янгиламаган. Қишлоқнинг номланишининг ўзиёқ бу маконда азал-азалдан деҳқончилик, миришкорлик тараққий қилганидан дарак беради. Хўжаликнинг умумий экин майдони 4510 гектарни ташкил этади. Бу йил хўжаликда оила пудрат шартномалари асосида 1600 гектар майдонга ғалла, 2090 гектар майдонга пахта экилган. Ҳар икки тармоқ бўйича режалар уддаланган. Пахтачиликдан Иброҳим Аслонов, Тўймурод Жўраев, Шаймардон Мустафоев, ғаллачиликдан Азиз Чўллиев, Жўра Отаев, Шерали Манаев каби ижарачилар юқори ҳосилдорликка эришган. Бироқ ғаллачиликдан 2001 йил декабр ойида 2002 йил ҳосили учун 68 та ижарачи шартнома тузган бўлса, йиғим-терим якунида 36 нафар ижарачи шартнома шартини бажармаган.

Хўш, шартнома шартларини бажармаган ижарачиларга нисбатан қандай чоралар кўрилди?

Бу саволга хўжалик бош иқтисодчи "бу менга тааллуқли эмас", деб елка қисган бўлса, раис бундай йиғилишни декабр ойида пахта йиғим терими якунини қўшиб ўтказамиз, деб жавоб қайтарди. Ўтган йили ноябр-декабр ойларида ғаллачилик бўйича шартномалар тузиш олдидан умумий йиғилиш ўтказилганмиди, дея берган саволимизга эса раис мен ишга кеч тайинланган эдим, деб изоҳ берди.

Демак, оила пудратчилари билан ғаллачилик бўйича шартномалар имзоланиши олдидан ҳам келишиб олинмаган. Ахир, ғаллачилик бўйича узрсиз сабаб билан шартнома шартларини бажармаган пудратчилардан ер қайтариб олиниши керак эди-ку?! Бу ҳақда албатта, хўжаликда умумий йиғилиш ўтказилиши зарур.

Энди хўжаликда ғаллачилик бўйича шартномаларнинг қандай тузилгани ҳақида икки оғиз сўз. Хўжалик бош иқтисодчиси томонидан ғаллачилик бўйича тузилган шартномалар таркибидаги Ер тузиш далолатномаларида ернинг балл банитети кўрсатилмаган. Нега?

Бу саволимизга раис ҳам, бош иқтисодчи ҳам бир овоздан "бу ер тузувчининг айби", дея жавоб беришди. Ахир, пешона тери билан ҳосил етиштириб, ҳаммани боқадиган деҳқон ўз ерининг балл банитети, яъни тупроқ унумдорлигини билиши керак-ку?! Шунга қараб у ўз ерини озиқлантиради, тегишли ҳосилни кутади. Биз хўжаликда бўлганимизда иккинчи бир салбий ҳолатнинг ҳам гувоҳи бўлдик. Гап шундаки, хўжаликда тузилган шартнома варақларидаги ёзувлар ўчирилиб, устидан янгидан ёзиб ташланган. Биз бош иқтисодчига шартнома ҳуқуқий ҳужжат эканлигини, уни бузиб ўзгартириш мумкин эмаслигини эслатганимизда, у киши ажабланиб, шундай деди: — Янгидан тузай десак, баъзилари камида 2-3 марта ўзгаради, ҳар сафар янгидан тузиш учун қоғозни қаердан оламиз?!.

Мана сизга ҳуқуқий ҳужжат — шартномага муносабат...

Яна бир салбий томони шундаки, хўжалик бошқаруви пудратчи билан тузилган шартноманинг "Буюртмачи хўжаликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» бандида **"Хўжалик пудратчининг меҳнатга бўлган муносабатини яхшилаш ва моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида шартномадан ошиқ етиштирган донини 100 фоиз пудратчиларга берилишини таъминлайди"**, деган қисмини атай бузиб, 75 фоиз тўлаган. Бечора деҳқоннинг эса бундан хабари ҳам йўқ. Аслида эса деҳқоннинг шартномага амал қилиши чек дафтари юритиши ва бошқа ҳуқуқий, замонавий агротехник билимлар олиши учун ҳам хўжалик жавобгар ҳисобланади. Агар хўжалик шартномадан ортиқ етиштирилган донни 100 фоиз пудратчига беролмаётган экан, нега ўша пудратчилар билан оғзаки ёки ёзма битим тузмайди?!.

Бу деҳқонни алдаш эмасми?!.

Шундай ўй-хаёллар билан иккинчи бир хўжалик, яъни Касби туманидаги "Пахтакор" номли хўжалик жойлашган Фазли қишлоғига йўл олдик.

Гапнинг рости, бу хўжаликда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Хўжалик раиси Гелдиёр Азизов далада экан. Бош иқтисодчи Шавкат Примовдан хўжалик ҳақида умумий маълумот олдик. Хўжалик жами 2739 гектар ер майдонига эга. Шундан 180 гектар пахта, 750 гектар майдонга ғалла экилади. Қолган майдонлар полиз, сабзавот, боғ, бедазор ҳамда яйловлардан иборат. Хўжалик ғалла бўйича 34 ижарачи, пахта бўйича 84 ижарачи билан шартнома имзолаган. Ғаллачиликда шартнома режасини бажармаган 9 нафар ижарачи шартни уддалай олмагани учун ерни бошқаларга топширган. Чунки йил бошида хўжалик бошқаруви билан шундай келишилган. Ғалла етиштириш бўйича ўртача режа 50 центнер деб белгиланган бўлиб, амалда эса 61 центнерга етказилган. Пахта сотиш бўйича 4560 тонна режада кўрсатилган бўлса ҳам амалда 5529 тоннага уддаланган. Бу эса 120 фоизни ташкил этади. Яна бир муҳим томони шундаки, пудратчиларга шартномадан ошиқча етиштирилган доннинг 100 фоизи берилган.

— Очиғини айтганда, — дея изоҳ берди хўжалик раиси Гелдиёр ака, — икки йил давомида биз одамларга 100 фоиз натура маҳсулот тўламоқдамиз. Бу эса ижобий самара бермоқда. Жуманазар Хўжақулов деган ижарачимиз шу икки йил ичида ҳосилдорликни 7 центнердан 70 центнерга кўтарди. Бизда ўртача ҳосилдорликни 50 центнердан оширолмаган пудратчи қўлини кўтариб, ерини топшириб кетади. Шунинг учун умумий йиллик даромадни 1 млрд 236 миллион 975 минг сўмга етказишни режалаштирганмиз. Ўтган йили 599 миллион сўм даромад олгандик. Бу йил биргина пахтачиликнинг ўзидан 947 миллион 871 минг сўм даромад кўзлаяпмиз. Шунда соф фойдамиз 376 миллион 961 минг сўмни ташкил этади. Ўтган йили пахтадан ошириб етиштирилган ҳосил учун шартномада кўрсатилган ёғ, широт, шелуха каби маҳсулотларни ҳам ижарачиларимизга вақтида етказдик. Деҳқон бизга, биз деҳқонга ишондик. Бу — ютуғимиз гарови десак, хато эмас.

Кўриниб турибдики, икки хўжаликда икки хил манзара вужудга келган. Ишни тўғри йўлга қўйган, шартнома қонунчилигига қатъий риоя қилган хўжалик ютмоқда, бунинг акси бўлган жойда эса турғунлик ва қолоқлик ҳукм сурмоқда.

Демак, хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Bugunning gapi

# ҚОНУННИ БИЛГАН ва БИЛМАГАНЛАР

Ҳаётда инсон кечмиши, кундалик турмуши билан боғлиқ энг устувор битта тушунча бор. Бу қонун тушунчасидир. Конституциямизнинг 15-моддасида давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари қайд этилган.

Мазкур талаб тўғри бажарилган жойда иш доимо кўнгилдагидек кечади, фуқаролар орасида ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмайди. Афсуски, баъзан қонун талаб ва кўрсатмаларининг қўпол тарзда бузилиш ҳолатлари учрайдики, бу ҳол ҳаётимиз мезони ҳисобланган муқаддас ҳужжатни барча ҳам баробар ўзлаштирмагани ёки атай унга риоя қилмаганлигидан далолатдир. Ва аксинча, инсоннинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари топталганлиги ҳақидаги мурожаатлари билан танишганингизда, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, курашчанлик қобилиятидан дилингиз хушнудлик топади.

Ўтказилганда кузатувлар жараёнида аниқландики, "Раҳим" кичик корхонаси Нукус шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан ноқонуний текширилган ва бош шифокор буйруғи билан корхона иш фаолияти тўхтатиб қўйилган. Худди шундай ҳолга Тахтакўпир туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Б. Утемуротова раҳбарлик фаолиятида ҳам учрайди. Бош шифокор буйруғига асосан санитария шифокори И.Боймуханов мувофиқлаштирувчи ишчи комиссия рухсатисиз "Тахтакўпиртутинув" акционерлик жамиятига қарашли новвойхона ва "Оспан" хусусий корхонасини текширувдан ўтказган.

Таассуфки, бундай ҳолатлар Қорақалпоғистоннинг турли туман ва шаҳарларида бот-бот учраб қолмоқдаки, бу салбий жараён иш ривожига катта тўсқинликларни юзага келтирмоқда. "Хўжайли кино-видео" акицонерлик жамияти ва унга қарашли бўлинмаларда текширишлар ўтказган Республика Ички ишлар вазирлиги ходимлари А.Шанназаров ва П.Хўжаниёзовлар ҳам ўз хатти-ҳаракатларининг қонунга мос эмаслигини пайқашмаган.

"Хўжайлитранспорт" корхонаси бошлиғи Ю.Тиловмуротов қонунчиликда кўрсатилган асосларсиз "Шахстранс" акционерлик жамияти туман филиалида текширув олиб борган ва ушбу текшириш натижалари бўйича туман ҳокими ўринбосари М.Жадманов раислигидаги нуфузли комиссия ўз қарорига кўра, корхона иш фаолиятини чеклаб қўйган. Тахиатош шаҳар ҳокимлиги комиссияси раиси туман ҳокими ўринбосари Б.Қўноқбоев, шаҳар иқтисодиёт ва статистика бўлими мутахассиси Х.Жубатов ва хўжалик ҳисобида иш юритувчи 15-автокорхона акционерлик жамияти бош ҳисобчиси К.Бозобоевлар томонидан Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши рухсатисиз "Матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамиятнинг Тахиатош филиали, "Қорақалпоқпочта" акционерлик жамияти Тахиатош филиали, Тахиатош телкомуникация тармоғи иш фаолиятлари ҳам ноқонуний тусда текширувдан ўтказилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорларни асоссиз равишда жавобгарликка тортиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Адлия вазирлиги томонидан Амударё туманидаги "Сардорбек" хусусий корхонаси директори З.Мадаминовни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги иш ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, хусусий корхона директори З.Мадаминов ва бош ҳисобчи Х.Юнусовалар Солиқ Кодексининг 135-моддасига кўра, лицензиясиз пуллик хизмат кўрсатганликда айбланиб, уларнинг ҳар бирига туман давлат солиқ инспекцияси қарори билан 345000 сўм миқдорида жарима солинган. Ушбу масала юзасидан Амударё туман жиноят ишлари судига даъво аризаси киритилди ва солиқ инспекциясининг ноқонуний қарорлари бекор қилинди.

Бу каби қонун бузилиш ҳоллари кўрсатилган рўйхат ҳали тугамайди. Аммо гап унинг миқдорида эмас. Энг муҳими, ҳақиқат қарор топди. Гап шундаки, ҳар қандай меҳнат жамоаси иш фаолиятини текширишга чоғланган нуфузли шахс, аввало, ўзи қонун талабларига қатъий риоя қилмоғи ва сўнггина бошқалардан буни талаб этмоғи лозим. Шундай қилинганда, бундай "мўътабар" шахслар омма олдида, тадбиркорлар олдида мулзам бўлмайди ва уларни юқорида зикр этганимиздек, қонунни билган ва билмаганлар гуруҳига ажратишга эҳтиёж қолмайди.

**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Ijro amaliyoti

# ЕР ФЕРМЕРга ҚАЙТАРИЛДИ



Учқўрғонлик фермер Нўъмонжон Имончаев савоб ишга қўл урди. Аммо ана шу савоб, эзгу ишни деб қарийб икки йил идорама-идора сарсон-саргардон бўлди. Бу орада фермер учрамаган катта-кичик раҳбар қолмади.

Хўш, "Райҳон" фермер хўжалигининг бошлиғи Нўъмонжон Имончаев қандай савоб ишга қўл урганди? Нима учун у идорама-идора сарсон бўлиб юрибди?

Гапни хиёл илгарироқдан бошласак, Нўъмонжон Имончаев Учқўрғон туманида биринчилардан бўлиб фермер хўжалигини ташкил этган эди. Туман ҳокимининг 1992 йил 8 май кунидаги "5/55а" сонли қарори билан чорвачилик йўналишида "Райҳон" деҳқон (фермер) хўжалиги фаолият кўрсата бошлади. 1996 йилнинг 30 апрел куни эса туман ҳокимининг 04/139 сонли қарорига асосан "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ерларидан "Райҳон" деҳқон-фермер хўжалигига 2 гектар ер ажратиб берилди. 1998 йилнинг 24 сентябр куни эса туман ҳокимининг 09/380 сонли қарори билан "Райҳон" деҳқон (фермер) хўжалиги **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги, **"Деҳқон хўжалиги тўғрисида"**ги қонунларининг амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида"ги 300-сонли қарорига асосан фермер хўжалигига айлантирилади ва қайта давлат рўйхатидан ўтказилади. Ўша пайтга келиб, "Райҳон" фермер хўжалигининг ер майдони 4 гектарни ташкил этарди.

Мана асосий мақсадга ҳам етиб келдик. Шу ўринда "Райҳон" фермер хўжалигининг бошлиғи Н.Имончаевнинг аризасидан кўчирма келтирсак, мақсадга мувофиқ бўларди:

***"2000 йилнинг бошларида "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг раиси А.Жўраев мени ўз ҳузурига чақириб қолди, — деб ёзади фермер ўз аризасида. — Раис менга ўз еримдан 0,60 гектар ерни аҳолига уй-жой қуриш учун ажратишимни илтимос қилди. Бунинг эвазига у ширкат хўжалиги ерларидан 0,60 гектар беришини оғзаки равишда айтди. Мен раиснинг таклифига рози бўлдим. Чунки менинг ерларим қишлоққа туташ, аҳоли уй-жой қуриши учун қулай эди. 2000 йилда уй қурилиш бошланмади. Мен ўз еримдан фойдаландим. 2001 йилда хўжалик раислигига С. Раҳимова тайинланди. Шу йили "кимошди" савдосига қўйилган 0,60 га ер ўз эгаларига бўлиб берилди. Мен янги раисга учрашдим. У энди иш бошлаганлиги, бу ҳақда кейинроқ учрашишимни ва албатта, менга ёрдам беришини айтди. Мен унинг ваъдасига ишондим".***

Ана шу тариқа "Райҳон" фермер хўжалиги бошлиғи Нўъмонжон Имончаевнинг сарсонгарчилиги бошланади. Ўтган 2002 йилнинг эрта баҳорида фермер бошлиғи ширкат хўжалиги раисасига учрайди. Ўз навбатида С.Раҳимова ҳам хўжалик ер тузувчи мутахассисни чақириб, унга оғзаки буйруқ беради. Ер тузувчи раиснинг оғзаки топшириғига кўра, 26 гектарлик буғдой экилган ернинг бир чеккасидан 0,60 га ерни ажратиб қўяди. Бир қарашда муаммо ўз ечимини топгандек туюлади. Бироқ аслида бундай бўлиб чиқмади. Ҳаммаси буғдойга ўроқ тушгандан сўнг янада равшанлашди. Шу ўринда яна фермер хўжалиги бошлиғининг аризасига мурожаат этсак:

**"Буғдой пишди,** — деб ёзилади аризада, — **комбайин 26 гектарлик буғдойзорни ура бошлади. Мен раисдан 0,60 га ернинг буғдой донини ташлаб кетишини сўрадим. У "Далада беролмайман. Хўжалик режасини бажарсин, омборхонадан олаверсиз", деди. Хўжалик буғдой режасини бажарди. Мен раисга яна учрашдим. У "Мен сиздан ер олмаганман. Олдинги раис вақтида бўлган ишга мен жавоб бермайман. Ўша олдинги раисга бориб учрашинг" деди."**

Шундан сўнг фермер хўжалиги раҳбари ёзма равишда туман ҳокимига мурожаат қилади. Ҳоким фермер аризасини беэътибор қолдирмайди. Аризага имзо чекиб, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Жўраевга "аризани қонуний ҳал этиш"ни сўрайди. Фермер туман ҳокимининг 2002 йил 12 август кунидаги 01/296-сонли хатини олиб, "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги идорасига келади. Аммо хўжалик раисаси туман ҳокими хатини ҳам эътиборсиз қолдиради.

Яна "Райҳон" фермер хўжалиги бошлиғининг хатидан кўчирма: **"13 сентябр куни яна мен С.Раҳимовага учрашдим. Икки-уч кундан кейин келинг деган эдингиз. Мана келдим, дедим. Бунга жавобан раис "Омборда ҳеч нарса йўқ. Сизга ҳеч нарса бермайман" деди. Яна умидим пучга чиқиб, изимга қайтдим..."**

Ниҳоят, вилоят адлия бошқармаси мазкур аризани атрофлича ўрганиб чиқди. Ҳақиқатдан ҳам 2000 йилда ширкат хўжалигининг собиқ раиси А.Жўраев "Райҳон" фермер хўжалигига 0,60 га ер майдонини "кимошди" савдосига қўйиш ва бунинг эвазига ширкат хўжалигига тегишли бўлган бошқа ерлардан ажратиб беришни фермер хўжалиги бошлиғи Н. Имончаев билан оғзаки келишиб олади. Шунга кўра, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг 2000 йил 12 февралдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарори ва туман ҳокимининг 2000 йил 29 февралдаги 149-сонли қарори билан "Райҳон" фермер хўжалигига тегишли бўлган 4 гектар ердан 0,60 га ер майдонини фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун якка тартибда уй-жой қурилишига "кимошди" савдоси асосида сотиш мақсадида ер майдони ажратиб берилган.

Шунингдек, фермер хўжалиги давлат солиқ инспекциясига ва бошқа идораларга 4 гектар ер майдони учун белгиланган солиқ, мажбурий тўлов ва ҳисоботларни топшириб келган.

Вилоят адлия бошқармаси "Райҳон" фермер хўжалигининг бошлиғи Н.Имончаевнинг манфаатини кўзлаб, Учқўрғон туманлараро фуқаролик судига даъво аризасини киритди.

Суд мазкур иш юзасидан барча ҳужжат ва далиллар асосида ўзининг ҳал қилувчи қарорини чиқарди. Унга кўра Учқўрғон туман "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидан "Райҳон" фермер хўжалигининг бошлиғи Н.Имончаев фойдасига 16096 сўм моддий зарар, 48055 сўм бой берилган фойда ва 50000 сўм маънавий зарар ундириладиган бўлди. Шунингдек, "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ерларидан "Райҳон" фермер хўжалигига 0,60 га ер ажратиб бериладиган бўлди. Бундан ташқари "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидан давлат фойдасига давлат божи ундириладиган бўлди.

Фермер шу тариқа ўз ерини қайтариб олди. Бироқ хўжалик иқтисодига анча зиён келтирган раҳбарлар қонун олдида шаштидан анча пасайди.

**Толибжон МИРАБДУЛЛАЕВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Huquqiy ma`rifat

# ПРОКУРОР АРИЗАСИ

***Мамлакатимизнинг бош Қомуси бўлган Конституциямизда қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа прокуратура идоралари зиммасига юклатилган. Прокуратура идоралари Конституцияга биноан мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросининг назоратини амалга оширади. Ҳозирги пайтда прокуратура қабул қилинган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга сафарбар этилган мустақил давлат идораси сифатида фаолият юритмоқда.***

Энди бевосита прокурор вазифаларига тўхталадиган бўлсак, у нафақат даъволи ишларда, балки давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва арзлар бўйича иш юритиш ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни қўзғатиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақли. Шунингдек, агар прокурор давлат бошқарув идораси томонидан ғайриқонуний қарор чиқарилганини аниқласа, мазкур ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақида ариза билан мурожаат қилиши мумкин. "Прокуратура тўғрисида"ги қонунга асосан, прокурор ёки унинг ўринбосари қонунга зид бўлган меъёрий ҳужжатларни қабул қилган идорага ёки юқори турувчи ташкилотга нисбатан протест келтиради. Мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳам худди ана шу тартибда протест эълон қилинади. Мазкур протест келтирилган вақтдан бошлаб, узоғи билан ўн кун ичида кўриб чиқилиши лозим. Ноқонуний хатти-ҳаракатларни тезда бартараф этиш лозим бўлган фавқулотда ҳолатларда прокурор протестини кўриб чиқиш муддатини қисқартиришга ҳақлидир. Шу боис қонунда протестни қараб чиқиш натижалари тўғрисида дарҳол ёзма равишда прокурорга маълум қилиниши белгиланган.

Бу протест ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжат чиқарган идора ёки юқори турувчи ташкилот томонидан рад этилган вазиятга, шунингдек, протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор тегишли судга ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисида маълумот берилган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида ёки қараб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтгандан кейин берилиши шарт.

ФПКнинг ана шу қоидани бажарилишига бағишланган 29-бобида прокурорнинг судга мурожаат этиш тартиби белгиланган. Мазкур ҳужжатнинг 276-моддасида прокурор ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ҳам махсус ҳуқуқий меъёр сифатида ифода этилган. Ана шундай бўлган тақдирда иш судда кўриб чиқилгунга қадар ҳуқуқий ҳужжатга амал қилиш ҳам тўхтатиб қўйилади. Прокурорнинг аризасини суд йигирма кун ичида протестни кўриб чиқмаган идоранинг раҳбари ёки унинг вакили иштирокида кўриб чиқади. Агар суд прокурорнинг аризаси асосли эканини аниқласа, уни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради ва ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топади.

Прокурор фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза ёки ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақида мурожаат этиш билан давлат, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш идораларининг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари, шу жумладан, давлат ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқароларга ёки юридик шахсларга давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари томонидан жарима тўлаш масаласини ҳам талаб этиши мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, прокурорнинг ушбу соҳадаги ваколатлари фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг миқёсда суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

**М. ДОНИЁРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

# ИШГА МАСТ КЕЛГАН ХОДИМ

## УНГА НИСБАТАН ҚАНДАЙ ҚОНУНИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАНИЛАДИ?

Маълумки, узлуксиз равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиш кишининг обрў тушиб кетиши, жамоа ўртасида ҳурмат-эътибор йўқолиши, оғир дардларга гирифтор бўлишига олиб келадиган иллат саналади.

Энди бу масалага қонун нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Меҳнат Кодексининг 113-моддасига кўра, ишга маст ҳолда (яъни, алкоголь ичимликлар, наркотик ёки кимёвий моддалар таъсирида) келган ходим дарҳол иш берувчи томонидан ишдан четлаштирилади ва шу кун ишда бўлмаган кун, деб ҳисобланади.

Бу асос бўйича иш вақтида, ўз меҳнат вазифаларини бажараётган жойда маст ҳолда келган (ёки маст ҳолатда бўлган) ходим ишга бир марта маст ҳолда келган тақдирда ҳам ишдан бўшатилади, лекин ички меҳнат тартиби қоидаларда ёки айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги Низом ва Уставларда ходим маст ҳолатда ишга келганлик ҳолати меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш ҳисобланиши, бунинг учун ишдан бўшатиш чораси қўлланилиши ҳақида кўрсатилган бўлиши лозим.

Ходимнинг маст ҳолатда бўлгани тиббиёт хулосаси, шунингдек, бошқа далиллар билан тасдиқланиши шарт.

Афсуски, ҳаётда баъзи кимсалар инсофсиз, қўпол ва ахлоқсиз хулқ-атворга эга бўлиб, ўзининг ножўя хатти-ҳаракатини ҳужжатлаштиришга қаршилик кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай ҳолат юз берганда, қуйидаги мазмунда далолатнома тузиш мумкин:

**ХОДИМ ИШГА МАСТ ХОЛДА КЕЛГАНДА ДАЛОЛАТНОМА**

Биз, ____________________ қуйидаги тўғрисида ушбу далолатномани туздик:

200___ йил, "___" куни, соат ___ да ишга маст ҳолда келди ва шу сабабдан шу куни (иш ставкаси охиригача) ишдан четлаштирилди.

Мастлик ҳолатини гувоҳлантириш учун наркологик диспансерга йўлланма олишдан бош тортди ва йиғинганларга нисбатан кўполлик қилиб, уларни ҳақоратлашга йўл қўйди.

Цех бошлиғи: имзо ______ Уста: имзо ___________

Жамоатчилик вакили: имзо__________

Меҳнат Қонунчилиги қоидаларига кўра, ходимга интизомий жазо беришдан олдин ундан ёзма тушунтириш хати олинади. Афсуски, амалиётда тушунтириш хати беришдан бош тортиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бундай ҳолда ҳам қуйидагича тартибда далолатнома тузиш мумкин:

**ХОДИМ НОЖЎЯ ХАРАКАТ СОДИР КИЛГАНЛИГИ ХОЛАТИ БЎЙИЧА ЁЗМА ТУШУНТИРИШНОМА БЕРИШДАН БОШ ТОРТГАНДА ДАЛОЛАТНОМА**

Биз, ____________ қуйидаги тўғрисида ушбу далолатномани туздик:

200_______ йил "____" куни __________________ га 200_____ йил "____" куни унинг узрли сабабларсиз (ножўя ҳаракат, ишга кечикиб келиши, маст ҳолда келиши ва ҳоказо ҳолатлар) ҳолати юзасидан корхона раҳбари номига тушунтириш хати ёзиб беришдан бош тортди.

Цез бошлиғи: имзо _______________

Ходимлар бўлими нозири: имзо ____________

Жамоатчилик вакили: имзо ______________

Юқоридаги расмиятчиликлардан сўнг ишга маст ҳолда келган ходимга интизомий жазо қўлланилади. Агар у ишдан бўшатиш жазосига тортилса, буйруқ қуйидаги кўринишда қабул қилиниши мумкин:

**ХОДИМ ИШГА МАСТ ХОЛДА КЕЛГАН ТАКДИРДА МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)НИ БЕКОР КИЛИШ**

___________ 200 ___йил "___"___ куни ишга маст ҳолатда келганлиги сабабли 200___ йил "___" дан у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин. Изоҳнома беришни рад этди.

Асос: Тиббий хизмат ходимларининг 200__ йил "____" даги хулосаси (ёки ходим тиббий кўрикдан бош тортган бўлса, бу ҳақда тузилган далолатнома), ишга маст ҳолда келганлиги ҳақидаги 200___ йил "___" ____ даги далолатнома, гувоҳлар кўрсатмалари, касаба уюшмаси қўмитасининг розилиги 200___ йил "____"____ даги сонли баённома, Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 4-банди.

Буйруқнинг нусхаси берилган ёки уни олишдан бош тортилганлиги ҳақидаги белгилар, сана.

**Азизлар! Ишга маст келишдан ёки маст ҳолатда ишлашдан сақланиш ўзингиз учун фойдалидир.**

Huquqiy savodxonlik sari

# ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ

***Ҳаётда қарз олиш ёки қарз бериш билан боғлиқ муносабатларга кўп марта дуч келамиз. Аксарият ҳолларда кишилар қарз шартномаси тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлмаганлиги сабабли "чув" тушиб қолиш ҳолатлари кўзга ташланади. Шундан келиб чиқиб, қуйида қарз ва унинг қонуний асослари хусусида фикр юритамиз.***

Қарз муносабатлари қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида юзага келади. Қарз билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик Кодекси билан тартибга солиниши белгиланган. Фуқаролик Кодексининг 732-моддасида қарз шартномасига қуйидагича таъриф берилган: ***"Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёлар хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.***

***Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади".***

Агар қарз олувчи ва қарз берувчи ўртасида 2002 йил 15 сентябрда шартнома имзоланган бўлса-ю, қарз берувчи қарз олувчига қарз суммасини (қарз пулини) 2002 йил 20 сентябрда топширса, қарз шартномаси 2002 йил 20 сентябрда тузилган ҳисобланади.

Қарз шартномаси Фуқаролик Кодексининг 733-моддасига кўра, оғзаки ёки ёзма тузилиши мумкин. Агар қарз суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан юқори бўлиб, жисмоний шахслар ўртасида қарз муносабати юзага келаётган бўлса, қарз шартномаси оддий ёзма шаклда тузилиши лозим. Энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган суммадаги қарз шартномаси ёзма шаклда расмийлаштирилиши талаб қилинмайди. Агар қарз шартномаси тарафларидан бири юридик шахс бўлса, шартнома ёзма шаклда тузилиши шарт.

Агар қарз шартномаси учун белгиланган ёзма шаклга риоя этилмаса, Фуқаролик Кодексининг 109-моддасида белгиланган оқибатлар келиб чиқади.

Қарз олувчининг қарзни олганлиги ҳақидаги тилхат ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилди деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, қарз берувчи қарз олувчига қарзни фоизсиз ёки фоиз тўлаш шарти билан бериши мумкин.

Қарз олувчи қарз суммасини қарз берувчига қарз шартномасида белгиланган муддат ва тартибда қайтариш лозим. Агар қарз олувчи қарз шартномасида белгиланган шартларга риоя қилмаса, қарз берувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли.

Қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномадагидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли.

Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан гувоҳлар кўрсатмалари асосида даъволашиши мумкин эмас. Масалан, фуқаро Алиев С. таниши Ғуломов А. га 400 000 сўм қарз берди. Ушбу қарз шартномаси тузилаётганда бир нечта шахс бор эди. Қарз берувчи Алиев С. таниши А. Ғуломовга ишонарди. Шу сабабли шартнома ёзма шаклда тузилишини талаб қилмади. Лекин қарз олувчи А. Ғуломов қарз берувчи С. Алиевга қарзни беришни рад этди ва "қарз олмаганман" деб туриб олди. Ушбу ҳолатда қарз берувчи С. Алиев гувоҳлар кўрсатмалари асосида қарз олувчи А. Ғуломов билан даъволашишга ҳақли эмас.

Юқорида айтиб ўтилган салбий ҳолатлар келиб чиқишнинг олдини олиш мақсадида қарз шартномасини белгиланган шаклда расмийлаштириш талаб қилинади.

**Абдуқодир ДОНОЕВ,**
**Рустам АБДУЛХАЙРОВ**



*Файзли кун*

Jahon tajribasi

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## У ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БАРОМЕТРИДИР

Эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган мамлакатимизда аста-секинлик билан кучли давлат вазифалари ва аломатларини тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтказиш жараёни жадал суръатда давом этмоқда. Кўплаб демократик институтлар пайдо бўлгани, нодавлат ва жамоат ташкилотлари сони ва масъулиятининг тобора ортиб бораётгани натижасида жамият ҳаётида фуқаролик институти муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу институтни янада такомиллаштириш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги фаоллигини янада оширишда жамоатчилик назоратининг ўрни ғоят улкан. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, **биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ.**

Шу ўринда жамоатчилик назоратининг вазифалари нималардан иборат, деган саволнинг туғилиши шубҳасиз. Бунга жавобан шуни айтиш жоизки, жамоатчилик назорати бошқарув идоралари, корхона, муассаса, мансабдор шахслар фаолиятини жамоатчилик тарзида назорат қилишдан иборат бўлиб, юридик шахс мақомига эга бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотлари ёки жисмоний шахслар, яъни фуқаролар томонидан амалга оширилади. Бироқ жамоатчилик назоратининг натижалари давлат назорати сингари умуммажбурий юридик кучга эга эмас. Лекин айрим ҳолатларда давлат шунга ўхшаш ваколатларни жамоат ташкилотларига ҳам бериши мумкин.

Қисқача қилиб айтганда эса, жамоатчилик назоратининг асосий мемоатчилик назоратининг асосий мемоатчиликни огоҳлантириб, унинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларни қайта тарбиялашдан иборат.

Шу ўринда хўш, бу борада хорижий мамлакатларда қандай натижаларга эришилган, деган савол туғилиши табиий. Шу боис энди фуқаролик жамияти ва унинг ҳақиқий барометри бўлган жамоатчилик назоратининг хорижий давлатлардаги тажрибасига тўхталиб ўтамиз. Мисол учун бу борада АҚШ ўзига хос тажриба тўплаган. Сиёсатшуносларнинг фикрига кўра, АҚШда кучли ва фаол фуқаролик жамияти демократияни тараққий эттириш учун қуйидаги уч жиҳатнинг ривожланишига ёрдам беради: биринчидан, ҳисобдорлик, яъни бошқарув идораларининг жамият олдидаги ҳисоботини юргизиш, иккинчидан, омманинг жамият ишига фаол иштирокини таъминлайди, учинчидан эса, сиёсий ислоҳотлар учун доимий ҳаракатни ушлаб туради. Мазкур жиҳатлар жамиятдаги кўпгина салбий ҳолатларни йўқотишда муҳим аҳамиятга эга.

АҚШда фуқаролар жамоатчилик уюшмаларининг фаолияти асосан жамиятни такомиллаштириш, давлат муассасалари фаолиятини кузатиб бориш ва натижаларига баҳо беришдан иборат бўлиб, уларнинг мақсади давлат институтларини емирмаган ҳолда давлат бошқаруви тизимини яхшилашга қаратилган. Бу ерда нотижорат ташкилотлар жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатади. Мамлакатдаги мавжуд касалхоналар, коллеж ва университетларнинг ярми ушбу ташкилотлар томонидан қурилганининг ўзиёқ жамиятда уларнинг ўрни қандай эканидан дарак беради. Шу боис АҚШ ҳукумати ноҳукумат ташкилотлар томонидан давлат сиёсатини белгилаш ва уни амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқишга оид таклифларига жиддий эътибор қаратади.

АҚШда шундай юқори тараққий этган қонунлар ва қоидалар тизими шаклланганки, агар мансабдор шахс, давлат, корхона, муассасаларнинг фаолияти жамоатчилик манфаатларига зид бўлса, уларни аниқлаш, тузатиш ва бархам бериш зикр этилган қонунчиликда мустаҳкам белгилаб қўйилган. Мисол учун айтсак, АҚШ Конституцияси асосида "Маъмурий процедура тўғрисида" ва "АҚШдаги бошқарув тизимидаги ошкоралик тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинган бўлиб, уларга кўра давлат фаолиятини амалга оширишни кенг жамоатчиликка маълум бўлган асосда амалга ошириш мажбурияти юкланган. Ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонун жамоатчиликни давлат муассасаларининг ахборот ресурсларига эркин киришига бўлган ҳуқуқларини тўлиқ таъминлайди. Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонун эса мансабдор шахсларни малакали ва компетентлилигига юқори талаблар қўяди. Махсус Маъмурий Фармон ўзида давлат хизматидаги ахлоқ тамойилларининг рўйхатини жамлаб, унда асосий ўринни давлат бошқаруви идораларининг виждонли ишлашига, жамият ишончининг путур етишига йўл қўймаслик тамойили эгаллайди. Буни бузганлар интизомий жавобгарликка тортиладилар.

АҚШда давлат ҳокимиятининг ҳамма бўғинларида ахлоқ кодекси амал қилади. Ушбу кодексларда ҳамма тоифадаги давлат хизматчилари томонидан ахлоқий меъёрлар бажарилиши қайд этилган. Масалан, касбий ахлоқ кодексида жамият аъзоларининг ҳам мажбуриятлари белгиланган бўлиб, стратегик қарорларни қабул қилишда фуқароларни жалб этиш, халқ билан тўлиқ, аниқ ва тушунарли тарзда ҳамкорлик қилиш, фуқаролар мурожаатига эътибор бериш каби жиҳатлар ўз аксини топган.

Германияда эса ўз-ўзини бошқариш идораси коммунал ўз-ўзини бошқариш дейилади. Бу тизим асосан барон Штейннинг ислоҳоти билан боғлиқ бўлиб, қисман 1808 йилдаги Прусс шаҳар уставига ҳам тааллуқли. Бунга биноан ҳар бир ҳудуд («земел») коммунал устави тарихий сабабларга кўра бошқа ҳудудникидан фарқланади. Бироқ коммунал бошқарув амалиёти ҳамма ҳудудларда бир хил. Маҳаллий бошқарувнинг ваколатига, энг аввало, жамоат транспорти, маҳаллий йўл қурилиши, электр, сув, газ таъминоти, канализация, мактаб, театр, музейлар, касалхоналар, спорт муассасалари қуриш ва уларнинг таъминоти киради. Маҳаллий бошқарув яна катталарни ўқитиш ва ёшларни иш билан таъминлаш масалалари билан ҳам шуғулланади. Ўз навбатида фуқаролар коммунал ўз-ўзини бошқариш идораси берган ваколат асосида унинг ишига ва фаолиятининг назоратига иштирок этадилар. Фуқаролар бюджет ёки янги қурилиш лойиҳалари билан танишиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, АҚШ ва Германия тажрибаларида жамоатчилик назоратининг кенг ваколатга эгалигини ҳамда фаолиятининг анча фаоллигини кўриш мумкин. Бу ҳол ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юқори даражада эканлиги билан бевосита боғлиқдир. Бу каби натижаларга эришиш учун мамлакатимизда жамоатчилик назорати ва давлат идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий тартибини мустаҳкамловчи жамоатчилик назорати тўғрисида алоҳида бир қонун қабул қилиш масаласини тегишли тартибда кўриб чиқиш, шунингдек, кўпдан буён лойиҳаси муҳокама этилаётган "Давлат хизматчилари тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш масаласини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошишига ёрдам берувчи кичик ва ўрта бўғин тадбиркорликни янада ривожлантириш, қонунларнинг ҳаётийлиги ва ижро этилиши механизмини ишлаб чиқиш каби кўпдан-кўп вазифаларни амалга оширишимиз зарур. Бу борада мониторинг, социологик тадқиқотлар ўтказиш усулларидан ҳам кенг миқёсда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Шуҳрат РАСУЛОВ,**
**тадқиқотчи**

Savol va saboq

# ФАРЗАНДИМ – ДАВЛАТИМ



## Ана шу муқаддас тушунчадан тонаётган кимсаларни ким деб аташ мумкин?

***Бу ўткинчи дунёда фарзанддан-да улуғроқ неъмат, фарзанддан-да бебаҳороқ давлат йўқдир, деган экан донишмандлардан бири. Ушбу ҳаётий ҳақиқат қиёматга қадар барҳақдир, десак, асло хато эмас. Зеро, бу муқаддас тушунчада инсон, янаям тўғрироғи, ҳаётнинг бардавомлиги ўз аксини топган. Шу ўринда ана шу тушунча ҳақида жайдари мулоҳаза юритиб кўрайлик: хўп, инсон бу дунёнинг жуда кўп бойликларини тўпласин ёки замонавий тилда айтганда, миллионер, борингки, миллиардер бўлсин. Лекин одамзодга қазо ҳақ. У бир кунмас бир кун ўлимга маҳкум. Хуллас, боқий дунёга сафари муқаррар.***

Хўш, ундан қоладиган бойликлар тақдири нима бўлади? Бу саволнинг жавоби ҳам аниқ. Шубҳасиз, унга кимдир эгалик қилади. Кимдир уни ўз майлича сарфлайди ва охир-оқибат у тугайди. Демакки, бойликлар сарфланиб бўлгач, ўша бадавлат одамнинг номи ҳам дунёдан ўчиб кетади. Шу ўринда номи афсонага айланиб кетган Искандар Мақдунлини эслаш жоиз: Ахир, у ер юзининг салкам ярмини босиб олиб, бир дунё бойлик тўпламаганмиди? Лекин ровийларнинг айтишича, ана шу қудратли шоҳ ўз ўлими олдидан ҳар иккала қўлини тобутдан чиқариб қўйишларини васият қилган. Бу ҳолатда "Мен дунёни олдим, лекин ундан ҳеч нима олиб кетмаяпман", деган маъно мужассам.Бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсоннинг давлати, бойлиги, шон-шуҳрати ўткинчидир.

Энди олдимизда "Хўш, унда инсон бир умр нима учун меҳнат қилади, обрў топади, давлат йиғади", деган савол кўндаланг бўлади. Бу саволга ҳам инкор этиб бўлмас ва исбот талаб қилмайдиган жавоб бор. Инсон дунёга келар экан, Оллоҳ томонидан яратилган жамики мавжудотлар сингари ўз наслини давом эттиришдек масъулиятли ва муқаддас вазифани зиммасига олади. Шунинг учун ҳам ҳар бир одам уй-жой қилади ва фарзанд кўради.

Фоний дунёдаги энг яхши амал, шубҳасиз, бу баркамол фарзандлар тарбиясидир, дейилади муқаддас китоблардан бирида. Демак, сўзимиз аввалидаги барча саволларга биргина жавоб бор. Ҳар бир инсоннинг қазосидан кейин унинг яхши амалларини давом эттирувчи, шуҳратига шуҳрат, давлатига давлат қўшгувчи, шубҳасиз, бу унинг баркамол фарзандларидир. Бу дунёда қиздир, ўғилдир — фарзанд ўстирган, уларни солиҳ қилиб тарбиялаган одамнинг номи унутилмайди. Авлоди бардавом бўлади. Халқ тилида айтадиган бўлсак, чироғи ўчмайди. Мана, **фарзандим — давлатим**, деган биргина иборанинг маъноси ва унинг муқаддаслиги...

Энди нега биз бугун мақоламизни ушбу мавзуга бағишлаганимизга келсак, албатта, бунинг ҳам ўзига яраша бир қатор сабаблари бор. Элда боридан кўз юмиб бўлмайди, дейишади. Ҳақ гап. Бир пайтлар ўртада фарзанд бўлатуриб эр-хотиннинг ажрашиши, халқимиз учун жуда шармандали ҳол ҳисобланган. Агар ўта жиддий сабаб бўлмаса, бунга йўл қўйилмаган. Кейинчалик, аниқроғи, собиқ мустабид тузум даврига келиб, ажрашиш оддий ҳолга айланиб қолди. Кимдир хотинини ёки аксинча, хотин эрини ташлаб кетса, бундан ҳеч ким ажабланмайди ҳам, ҳайратланмайди ҳам. Энг ёмони, буни шармандали ҳол сифатида ҳам баҳоламай қўйдик. Жуда нари борса, "Ҳа, энди феълатвори тўғри келмагандирда", деб қўямиз. Ҳозирда "оддий" ҳодисага айланиб қолган ажрашишлар ортидан ҳар йили минглаб болалар тирик етимга айланиб қолаётганидан кўз юмамиз. Ана шу тирик етимларнинг кўнгил шишалари дарз кетиши, бу дарз уларни умр бўйи тарк этмаслигини унутиб қўямиз.

Шу ўринда уч аср юзини кўрган, бир юзу икки ёшли Ҳайитгул момо Даминова билан бўлган суҳбатда тилга олинган мулоҳазаларни келтириб ўтишни лозим топдик.

— Элчиликда қўйдичиқдилар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Лекин олдинлари ниҳоятда кам эди. Шунингдек, ажрашишга мажбур бўлишса, эркак киши елкасига тўнини ташлаб, уй-ҳовли, мол-қўй — хуллас, топган-тутганини хотинга ташлаб чиқиб кетган. Бу бежизга эмас, чунки уйсиз-жойсиз хотин кўчада хор бўлади. Мажбурликдан ёмон йўлларга ҳам кириб кетиши мумкин. Эркак киши ажрашгандан кейин ҳам хотини ҳақида ёмон гап эшитишни иснод, деб биларди. Бошқага уйланса ҳам, орият учун биринчи рўзғорини қўллаб турарди.

Бу гапларни эслашдан мақсад шуки, яқинда Фарғона вилоятида хизмат сафарида бўлдик. Сафар давомида фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти суди раиси Зойиджон Ҳомидов билан суҳбатлашиб қолдик. Гапимиз айланиб келиб, ажралишларга тақалди. Зойиджон ака чуқур "уф-ф" тортиб олгач, шундай сўз бошлади:

— Афсуски, ҳаётда ажралишлар учраб туради. Албатта, биз имкон даражасида ажрашиш учун судга мурожаат этганларни яраштиришга ҳаракат қиламиз. Ҳеч бўлмаса, фарзандлар тақдирини ўйлашга даъват этамиз. Баъзан суд жараёнида ярашиб кетиб, кейин яхши яшаб кетган оилалар ҳам бор. Улар билан кўча-кўйда учрашиб қолсак, миннатдорчилик билдиришади. Шундай пайтларда танлаган касбимдан хурсанд бўлиб кетаман. Лекин баъзи суд жараёнларида қатнашсангиз, томонларнинг бир-бирига тўнкаётган айбларини эшитиб, тепа сочингиз тикка бўлиб кетади. Наҳотки, шулар ҳам бир ёстиққа бош қўйишган, бирга фарзанд кўришган, деб ўйлайсиз. Уларни яраштириб бўлмаслигига кўзингиз етади. Ноилож уларни ажратиб юборасиз. Ана шундай пайтларда икки ўртада жавдираб турган болажонларни кўриб юрагингиз эзилиб кетади. Кейинги пайтларда айрим эркакларимиз маънан жуда кичрайиб, майдалашиб кетаётгандек туюлади, назаримда. Келинг, сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир-икки мисол келтириб ўтайлик.

Ўтган йили фуқаролик ишлари бўйича Қўқон шаҳар туманлараро судида даъвогар Бозорова Зилоланинг жавобгар Бозоров Фарҳодга нисбатан нафақа ва моддий таъминот ундириш ҳақидаги фуқаролик иши кўриб чиқилди.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

# ФАРЗАНДИМ – ДАВЛАТИМ

## Ана шу муқаддас тушунчадан тонаётган кимсаларни ким деб аташ мумкин?



*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Даъвогар ўз аризасида 1999 йил октябрь ойидан бошлаб жавобгар билан қонуний никоҳдан ўтиб яшаб келаётгани, ўрталарида фарзанд борлиги, ана шу фарзандлари бир ёшга тўлганида касал бўлиб, Қўқон шаҳрида жойлашган болалар суяк силини даволаш санаториясида даволанганлиги, ҳозир ҳам муолажа ишлари давом эттирилаётганлиги, энди шифокорларнинг хулосасига кўра ўғлини Фарғона шаҳридаги вилоят шифохонасида даволатиши лозимлигини, бунинг учун моддий имконияти йўқлигини, ҳозирда ота-онасининг уйида яшаётганлигини, турмуш ўртоғи 2002 йилнинг 26 февралида уларни санаторияга ётқизганича, бирор марта хабар олмаганлигини, фарзанди учун жавобгардан нафақа ва моддий ёрдам ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон шаҳар туманлараро суди ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб, 2002 йилнинг 29 май куни чиқарилган ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилган.

Албатта, бундай ҳолатда бошқача йўл ҳам тутиб бўлмайди. Ахир, бола касал бўлса, бунинг устига уни даволатишга онанинг моддий имконияти йўқ бўлса, нима қилиш лозим?! Ахир, инсон ўз пушти камаридан бино бўлган фарзанди тақдирига шунчалик бефарқ қараши мумкинми? Тўғри, мумкин эмас. Лекин минг афсуски, орамизда шундай одамлар ҳам бор. Энди суднинг ҳал қилув қароридан кейин жавобгар ўз айбини тушуниб, ўзининг ёрдамига муҳтож бўлиб турган фарзандига нажот қўлини чўзгандир деб ўйлаган бўлсангиз, ажаб эмас. Минг бора афсуслар бўлсинки, бундай бўлмади. Бунинг ўрнига жавобгар Ф. Бозоров фуқаролик ишлари бўйича Қўқон шаҳар туманлараро судининг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судига кассация тартибида шикоят берди. Судлов ҳайъатининг кассация тартибидаги суд мажлисида эса фуқаролик ишлари бўйича Қўқон шаҳар туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Яна бир мисол. 2002 йилнинг 5 июлида фуқаролик ишлари бўйича Қўқон шаҳар туманлараро судида даъвогар Шоҳида Турсунованинг жавобгар Комилжон Эркаевга нисбатан қўшимча харажатларни ундириш ҳақидаги даъвоси кўриб чиқилган. Ушбу суд жараёнида ҳам жавобгар ўзининг фарзанди, 2-гуруҳ ногирони бўлган Акбаржонга даволаниш учун ёрдам бермаётгани, алементни ҳам ўз вақтида тўлашдан бўйин товлаб келаётгани қайд этилади. Ушбу ишни кўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Қўқон шаҳар туманлараро суди даъвони қаноатлантирган. Буни қарангки, бу жавобгар ҳам фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судига кассация тартибида шикоят қилди. Ишни ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиққан вилоят суди судлов ҳайъатининг кассация тартибидаги суд мажлисида фуқаролик ишлари бўйича Қўқон шаҳар туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Албатта, суд ҳукмидан норози бўлиб шикоят ёзиш ҳеч кимга таъқиқланмаган. Бу — ҳар бир фуқаронинг Конституциявий ҳуқуқи. Мен ҳуқуқшунос сифатида ҳар иккала жавобгарнинг ҳам шундай ҳуқуққа эга эканлигини инкор этмоқчи эмасман. Лекин ҳаёт, одамийлик, қолаверса, шарқона одоб-ахлоқнинг ўзига хос мезонлари, ёзилмаган қонунлари ҳам бор-ку?!. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Бинобарин, ўз пушти камаримиздан бўлган фарзандимизнинг соғлиги, тарбияси, тақдири учун жавобгарлигимизни унутмаслигимиз лозим.

Шу ўринда бир таклифимни ҳам айтиб ўтсам: Оила Кодексининг 96-моддасига кўра, ота-она вояга етмаган фарзандларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота ёки онадан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алемент ундирилади.

Ҳозир амалиётда вояга етмаган болалар таъминоти учун алемент ундириш ҳақидаги даъво аризалари умумий тартибда кўрилиши оқибатида ҳеч қандай низо бўлмаган иш бўйича судья даъвогар ва жавобгарни суд чақирув қоғози орқали фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаш босқичида Фуқаролик процессуал Кодекснинг 159 ва 160-моддалари талабларини бажариш учун чақиради. Суд мажлиси тайинланган кун яна даъвогар ва жавобгар чақирилиб, иш бўйича ФПКнинг 20-21-моддалари асосида протокол тузилиб, ҳал қилув қарори чиқаради. Бир нафар вояга етмаган фарзанднинг таъминоти, яъни алемент ундириш ҳақидаги фуқаролик ишини суд мажлисида кўриб тамомланиши учун кетадиган вақт аниқланганида, Фарғона туманлараро судида 1 соат 03 минут, Ўзбекистон туманлараро судида эса 58 минут вақт сарфланган. Ҳар бир шу тоифадаги иш бўйича томонларни суд чақириқ қоғози орқали чақириш учун 180 сумлик марка, конверт ва чақириқ қоғози сарфланган. Суд чақириқ қоғози орқали судда ҳозир бўлмаган ҳолда, телеграмма орқали чақирилганида 300 сўм сарфланиши аниқланди. Ўртача битта ишнинг кўрилиши учун 1 соат вақт кетади деб ҳисобласак, жами кўрилган ишлар 1895 соатни ташкил қилиб, бу тахминан саккиз ой иш куни сарфланади, демакдир. Шуни таъкидлаб ўтишим керакки, мазкур рақамлар фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг ўтган йилнинг тўққиз ойи натижаларига нисбатан олинган.

Шулардан келиб чиқиб, ҳеч бир низосиз бўлган болалар таъминоти учун алемент ундириш ҳақидаги даъво аризаларни суд мажлисида кўриш тартибига тегишлича ўзгартириш киритиш зарур, деб ўйлайман. Яъни даъвогар эр ёки хотин томонидан болалар таъминоти ундириш ҳақида судга даъво ариза киритилганида судья томонидан даъво аризанинг тўлиқлигини текшириб чиқилиб, иш юритувига қабул қилиши билан жавобгарга фарзандлар таъминоти учун алемент ундириш ҳақида даъво ариза қўзғатилганлигини маълум қилиш ҳақидаги тегишли бланкани тўлдириб, шу кунни ўзида суд мажлиси ўтказиб ўтирмасдан ҳал қилув қарори чиқариб, шу кунни ўзида ижро варақа чиқарилиб, суд ижрочисига топширилса, бу тоифадаги ишларни кўриш соддалаштирилган ва алемент ундиришни сўраб келган фуқаролар судларга икки-уч маротаба қатнамасдан бир маротаба келганида иши битиб кетиши мумкин бўлади.

Savol va saboq

Судьялар эса бу тоифадаги ишларни кўриш учун сарфлайдиган вақтларини мураккаб тоифадаги ишларни кўришга сарфлаб, қолдиқ ишларни камайтириш учун қўшимча имконият пайдо бўлган бўларди.

Таклиф қилинаётган вариант бўйича ҳам судьянинг қанча вақти сарфланиши ҳисоблаб кўрилганида, битта даъво аризани ҳал қилиб, қарор чиқариб бериш учун 8-10 минут сарфланади. Агар мана шу таклифимиз амалга ошса, ҳам судьяларимизнинг иши енгиллашган, ҳам даъвогарларимизнинг ташвишлари камайган бўларди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, баён этилган таклиф-мулоҳазаларни амалиётга тадбиқ этиш аллақачон ҳаётий зарурaтга айланган. Шундай бўлса-да, бу асосий жиҳат эмас. Энг муҳими эса, одамларнинг маънавиятини юксалтириш, иймонли ва меҳр-оқибатли бўлишларида мужассамдир. Зеро, диёнатли ва шафқатли инсон оилани муқаддас деб билади. Ўз фарзандини умр мазмуни деб ҳисоблайди. Сиз бу масалага қандай муносабат билдирасиз, азиз газетхон?

**Ислом ҲАМРО,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Taqdir tarixi

# ИММАНУЭЛ КАНТ

## НЕМИС ФАЛСАФАСИ ХАЗИНАБОНИ

***Иммануэл Кант XVIII асрда яшаган буюк немис файласуфларидан бири. У ўзига хос қарашлари билан миллат тафаккурини дунё донишмандлик илми даражасига кўтарган. Кантни кўп жиҳатлари билан қадим юнон файласуфи Суқрот билан тенглаштирилиши бежиз эмас. Зеро, Кант нафақат илоҳиёт, балки улуғ Суқрот сингари инсониятнинг ҳамиша диққат-эътиборида бўлган — ҳақиқат, одамийлик, тафаккур, сезги, ҳуқуқшунослик илмлари ва бошқа қатор соҳаларда баҳс юритган. У ҳеч қачон фалакиёт илмини ташлаб қўймаган, илло, одам боласи, унинг феъл-атвори, дунёқараши, эзгу мақсадини ўз тадқиқотлари марказига қўйган. Кант ғоялари ўз даврида турли муҳокамаларга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлган эса-да, маълум маънода четга суриб қўйилган, бироқ яшашда давом этаверганди. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, Кант ёшлик чоғлариданоқ хаёлини банд этган фикр-ғояларни қоғозга туширишга одатланган, умрининг сўнггига қадар ана шу юмушни бекаму кўст бажариб келганди. У инсон руҳий олами билан жуда қизиққан, бу қизиқиш мутлақ бир ҳақиқатни излаш даражасигача кўтарилганди. У донишманликни нафақат илм учун, балки одамлар маънавий эҳтиёжига хизмат қилдиришни истаган ва ана шу истак уни янада ўзига жалб этиб, ҳақиқатни излашни катта бир умуммиқёс даражасидаги жараёнга айлантира олишга эришганди. Бу жараён умрининг сўнгигача уни тинчлантирмади, умрининг сўнгигача у излаш-изланиш, китоблар ёзиш, ғояларини ҳаётга тадбиқ қилиш билан машғул бўлди.***



*Болалик нигоҳи*

*Ушбу сондаги суратлар муаллифи Абдуғани ЖУМАЕВ*

Иммануэл Кант 1724 йили Кенигсберг шаҳрида Иоганн Георг Кант оиласида дунёга келади. Ўзининг ёзишича, аждодлари шотландиялик бўлган, лекин замонавий тадқиқотчилар унинг ота томонидан бобосининг келиб чиқиши Латвияга бориб тақалишини таъкидлайди. Кант шаҳарнинг чеккасидаги майда савдогар ва ҳунармандлар яшайдиган мавзеда улғаяди. Оилада беш нафар фарзанд бўлиб, кенжа Иммануэл меҳнатга муҳаббат руҳида тарбия топиб, пуританча тартиб-интизомга бўйсуниб вояга етади. Онаси Анна Регина боласининг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб улғайишини орзу қиларди. 1730 йилда Кант бошланғич мактабга боради, 1732 йилдан эса бу оиланинг яқин дўсти пастор Франц Альберт Шульц маслаҳатига кўра, давлат черков гимназиясига ўқишга ўтказилади.

1740 йилда ўн олти ёшли Иммануэл Кенигсбергдаги дорилфунуннинг тиббиёт куллиётига кириб ўқий бошлайди. Ўша пайтларда қирол Фридрих Вильгелмнинг буйруғига асосан талабалар "олий" саналган куллиётлардан бири — илоҳиётшунослик, тиббиёт ёхуд ҳуқуқшуносликни танлашлари зарур эди.

1747 йилда магистрлик диссертациясини ёқлаган Кант нафақат дорилфунунни, балки Кенигсбергни ҳам тарк этади. У Шарқий Пруссия ерларини яёв кезиб чиқди. Ўлканинг чекка бир қишлоғида бир неча оила фарзандларига илм ўргатади. Бошқача айтганда, у педагогик фаолият олиб бориб, ҳаётий тажрибасини оширади. Бу даврда фалакиёт борасидаги **"Космогония ёхуд дунёқурилишининг келиб чиқишини тушуниш борасида"** рисоласини ёзади. 1754 йили Кенигсбергга қайтгач, яна космогонияга оид **"Физик нуқтаи назардан Ернинг қариши ҳақидаги масала"** сарлавҳали трактатини ёзиб тугатади.

1755 йилда Кант космоногияга, ахлоққа оид бир қатор мақола ва трактатлар муаллифи сифатида омма орасида эътибор қозонади. Бу даврда Пруссия ва Фарангистон, Австрия ва Уруссия ўртасида бўлиб ўтган урушлар Кантнинг ҳаёти ва ижодига таъсир кўрсатиб, ўз муҳрини абадий босиб улгурган эди. Кант бу урушлар инсоният бошига қандай мусибатлар солганининг гувоҳи бўлгани учун ҳам одам боласининг қисматига тааллуқли бўлган ҳаққоний битиклар ёзишни ўзига мақсад қилиб олади. Яна у қирғинбарот урушлар олдини олиш учун инсоният биргалашиб курашиши, ахлоқан покланиши кераклигини, фақат ахлоқан поклик билан улуғ мақсадларга боришиши, улуғ мақсадлар кўзланиши мумкинлигини, бунда **инсон сезгиси, инсон идроки** муҳим аҳамият касб этишини исботлашга уринади.

1758 йилда фалсафа профессори Кипке оламдан кўз юмади. Унинг ўрнига беш номзод кўрсатилади. Улар орасида Кант ҳам бор эди. Академик кенгаш бу ўринлардан бирига унинг номзодини тасдиқлайди. Кейинчалик, умрининг сўнгги палласида ортда қолган магистрлик даврини эслаб у "жаноб Функнинг бемаврид ўлими хусусида магистр Иммануэл Кантнинг ўй-мушоҳадалари" номли ёзувини битиб ўша давр немис ҳаётига, немис ахлоқига ўзининг ҳаққоний муносабатини билдиради. Яна ўша йиллари Жан-Жак Руссо ижоди билан ошно бўлади. "Руссо ижоди менга инсон руҳоний дунёсига, инсон қалбининг ҳеч кириб бўлмас хазинасига киришимда қулф-калит вазифасини ўтади", деб юксак баҳо беради. Ана шу даврда кўплаб фалсафий битиклар ёзиб, сермаҳсул ижод қила олди. Улардан энг солмоқдори "Аллоҳнинг мавжудлиги ҳақидаги энг ишонарли далилларнинг далили" мажмуаси кенг жамоатчиликнинг диққатини ўзига тортиб, олмон файласуфлари баҳс-мунозараларининг асосий нуқтасига айланди.

1764 йилнинг августида таълим тизими ишларини юритувчи Адлия вазирлигидан у шеърият ва сўзамоллик соҳаси бўйича профессор ўрнини эгаллашга таклиф этилади. Лекин Кант бу таклифни рад этади. Қирол аёнлари ҳам унинг рад жавобини тўғри тушуниб кейинги сафар албатта унга нуфузли бир ўринни таклиф этишни билдиришади. Бу даврга келиб Кант бутун Пруссияга машҳур файласуф сифатида танилиб улгурганди.

Йиллар кетидан йиллар қувиб борарди. Бу йилларда Кант жуда кам ижод қилди. Фақатгина 1780 йилга келиб "Соғлом ақлнинг танқиди хусусида" китобини ёзиб тугатди. Унинг бу китоби инглиз уйғониш даври улуғ донишманди Френсис Бэкондан парча келтириш билан бошланганди. Ўз даврида Бэкон ҳам мутаассиблик, ақидапарастликни ўткир танқид остига олиб битиклар ёзган, Кант эса ана шу юмушни мантиқан давом эттириб, бу мутаассиблик аҳолини боши берк кўчаларга бошлаб ҳам кириши мумкинлигини оддий пуритан оилалари турмуши мисолида фош эта олди. Яна у бу иллат инсон тафаккури оламини қашшоқлаштириб, ўз-ўзига танқидий баҳо беришда янглиштириши мумкин, деган ғояни илгари суриб чиқди. У мазкур китобини ўша даврда Адлия вазири лавозимини эгаллаб турган Цедлерга бағишлади. Китоб ўша йилнинг майида дунё юзини кўриб, кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Бу даврда фалсафада бир-бирига қарама-қарши бўлган икки йўналиш — **сенсуализм** ва **рационализм** ҳукм сурарди. Сенсуалистлар инсонда **ҳиссий билим** асосий ўрин тутишини ёқлаб чиқишган, рационалистлар эса **интеллектга** асосий ўрин беришганди. У мактаб, бу мактаб вакиллари ҳам **билиш**нинг ҳар икки усулини ҳам бир-биридан айро кўрмасдилар. Кант эса **ҳиссий билим** ва **тафаккур** бир-бирини тўлдирган, чоғишма ҳолда фаолият олиб боришини илмий далиллаш ғояси билан чиқди. Бунда инсон мушоҳада олами асосий рол ўйнашини мисоллар билан исботлашга тутинди. Айниқса, **сезги**нинг аҳамияти, **идрок этиш**нинг ўрни ўзгача эканини ҳаммавақт мисол тариқасида кўрсатишини қўймади. "Сермаҳсул тасаввур — ҳиссий ва ақлий билим чоғишмасининг асосидир", дейишда давом этди.

1784 йилнинг баҳорида Кант ўзининг олтмиш ёшини қаршилади. Маънавий камолот даражаси ҳам юксалган бир палла эди. Лекин у шунча қилиб улгурган ишларидан сира қаноатланмас, ҳали ярим ишларини бажариб улгурмаганини таъкидларди. Ўша давр ахлоқшуносларидан баъзилари ахлоқий қарашлар туб илдизларини Аллоҳ инон-ихтиёри билан боғлашга уринишар, Кант эса бу нарсалар ихтиёрини Аллоҳ инсонлар ҳукмига ҳавола этган, одамларнинг ўзлари маънавий қиёфаларини тафтиш қилиб боришлари шарт, бунда Тангри фақат кузатувчилик ўрнини маъқул кўради, деган ғояни илгари суриб чиқади ва: "У ҳолда инсонга **ақл, сезги, билим** нима учун берилган?" — деган тезисни илгари сурради. Ана шу жиҳати билан Кант қадим Шарқ донишманди, исломшунос-файласуф, шоир мавлоно Румий қарашларини Оврупога ёйган алломалардан бири десак, ҳам муболаға бўлмайди. "Ўзингни ўзинг тафтиш эт, ўй-мушоҳадаларинг, муҳокамаларинг билан ахлоқий бурчингни тушуниб ет, қалбингга қулоқ тутиб — қадамингни тўғри бос", дея инсон имкониятлари чексиз эканига ишора қилиб, бу имкониятдан унумли фойдаланиш зарурлигини айтиб кетади.

1794 йилнинг августида Кант ўзининг етмиш ёшлигини нишонлайди. Юбилей маросими ўтказилмаганидан севинади. Бу пайтларда у Прусс ҳокимияти вакиллари билан келишолмай юрган даврлари эди. У ана шу йиллари черковнинг қолоқ мутаассиб қарашларини ўткир танқид остига олиб, икки-учта мақолалар эълон қилган, ана шу сабаб бўлиб черков уни ҳоким синфлар атрофида кўзга ташланишини истамасди. Яна ўша давр ҳукмдори Фридрих Вильгелм II ҳам ҳурфикрлиликни ёқтирмас, ана шундай фикрлаган одамларни эса у ўз рақиблари деб биларди. Шулар қаторида Кант ҳам қиролдан ёзма равишда огоҳлантириш олади.

Инсон ҳаёти абадий эмас, аммо унинг келажак авлодларга қолдирган маънавий озуқаси асрлар оша умргузаронлик қилавераркан. Кантнинг ҳаёти ҳам биринчи навбатда у қолдирган китоблар, яратган таълимотларда яшашда давом этмоқда. У жуда кўп тер тўкди, ўз меҳнатини севди, ўқувчилари ҳам уни севишади. Шу билан бирга, у шуҳрат кетидан қувгани йўқ, аммо шуҳрат у билан изма-из юрди. У илм изланди, илм топганлар эса уни ахтардилар. Демакки, бу немис алломасига бўлган қизиқиш ҳеч қачон сўнмайди, дейишга тўлиқ асос бор.

**Аббос САИД,**
**Акмал БУРҲОНОВ**

Mitti maslahat

# ЧЕТ ЭЛДА ТУЗИЛГАН НИКОҲ

## УНИНГ ТАН ОЛИНИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Оила Кодексининг 235-моддасига кўра, мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида, яъни бошқа давлат ҳудудида қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар ушбу Кодекснинг 16-моддасида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўлмаса, мамлакатимиз ҳудудида ҳақиқий деб эътироф этилади. Шунингдек, мамлакатимиздан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳлар ҳам Республикамиз ҳудудида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Мамлакатимиз фуқаролари чет элда ўз никоҳларини Ўзбекистоннинг элчихоналари ёки консулхоналарида, шунингдек, чет эл давлатининг ваколатли идораларида тузиши мумкин. Чет давлат идорасида қайд этилган никоҳлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш (ФХДЁ) идорасида иккинчи марта қайд эттирилмайди.

Бундан ташқари мамлакатимиз фуқароларининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан бошқа давлатларда юқорида баён қилинган тартибда тузган никоҳлари Ўзбекистон ҳудудида ҳақиқий деб тан олинади. Аммо бундай никоҳ Оила Кодексимизнинг 16-моддасига хилоф бўлмаган ҳолда ва монелик қилувчи ҳолатлар бузилмасдан қайд этилган бўлиши лозим. Акс ҳолда, никоҳ мамлакатимиз ҳудудида ҳақиқий эмас деб топилади. Масалан, илгариги никоҳни бекор қилмаган ҳолда чет эл қонуни бўйича иккинчи марта тузилган никоҳ ёки Оила Кодексининг 15-моддасига зид равишда никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳлар мамлакатимизда тан олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси қайси мамлакатда бўлмасин, ундан Ўзбекистон қонунларига қатъий риоя этиш талаб қилинади.

Чет эл фуқаролари ўз давлатларининг қонунларига биноан никоҳдан ўтган бўлса, бу никоҳ Ўзбекистон ҳудудида ҳам ҳақиқий деб тан олинади. Аммо чет эл фуқароларининг ўз қонунларига асосланган ҳар қандай талаби Ўзбекистон судларида қаноатлантирилиши мумкин эмас.

**Нурилла ИМОМОВ**

Nadomat

# ЕНГИЛТАКЛИК

## БИР КИШИНИНГ УМРИГА ЗОМИН БЎЛДИ

Муродбой остона ҳатлаб ичкари кирди-ю, уйдаги базми жамшидни кўриб, дили яйраб кетди. Укаси Соғиндиқ, қудасининг ўғли Равшан ва яна икки нафар йигит хуш кайфиятда ўтиришарди. Муродбой меҳмон йигитларга бирор нарса қўйиш кераклигини фаҳмлаб, хотини Саидага тезпишар овқат буюрди. Овқат устида бир шиша ароқ очди. Йигитларнинг бирида бир шиша вино бор экан, уни ҳам бирга баҳам кўрдилар.

Кайфият анча кўтарилди. Яқин қариндошлари Султонмурот амаки ўғли Жалғасбекни уйлантираётган эди, томоша илинжида ҳаммалари ўринларидан турдилар.

Муродбой хотини Саида ва жажжи фарзандлари билан олдинда кетди. Соғиндиқ, Равшан, Раҳим ва Раббимлар бироз кейинда боришарди. Муродбойнинг синглиси Г. уйни қулфлаб чиқаман деб орқада қолди. У ҳам ҳадемай кўпчиликка етиб олди. Акамлар билан бораман, деди-ю, йигитлар тўдасидан ўтиб кетди. Шу пайт кўнглида ниманидир туккан Раҳим қадамини тезлатди ва зумда Г.нинг ёнида пайдо бўлди. Ширакайф ҳолда Г.га гап қота бошлади. Аммо гап узоққа чўзилмади. Раҳим тун қоронғулигида бирданига Г.га осилди-ю, уни йўлдан четга судради...

Йўлда нимадандир ҳадиксираб бораётган Соғиндиқ қийқириқ овозини эшитиб, бирдан сергакланди. Икки қадамда акаси Муродбойга етиб олди ва икковлон яшин тезлигида орқага бурилдилар.

Соғиндиқ Раҳимга яқинлашди-да, уни зарб билан тепиб юборди. Г. олатасир ичида ўзини четга олди. Муродбой йигитга устма-уст мушт туширди. Кучли зарбаларга дош беролмаган Раҳим инграб, ерга юз тубан йиқилди. Қайта кучга энган ака-укалар йигитга ачиниш ўрнига унинг дуч келган жойига тепа бошладилар.

Г. бир чеккада йиғламоқдан бери бўлиб турарди. Соғиндиқ акасининг гапи билан зумда уни тўйхонага элтиб қайтди. У қайтиб келганида, Раҳим ерда ҳушсиз ҳолда думалаб ётар, Муродбой ҳали-ҳануз уни калтаклашда давом этарди...

Муродбой Соғиндиқни кўриб, ҳаракатдан тўхтади. Икковлашиб, Раҳимнинг чалажон гавдасини юқорига, канал бўйига олиб чиқдилар. Яна устма-уст зарбалар берилди. Муродбой Раҳимнинг спорт киймини бўйнидан айлантириб, бўғишга тушди. Қора чарм курткасини ечиб олиб, қонталаш юзларига ўради. Ҳаракатсиз қўлларини орқасига қайириб, маҳкам боғлади.

Акасининг ниятини англаган Соғиндиқ мурдани пастқамликка ташлаб кета қолайлик, деди. Муродбой кўнмади. Аксинча, мурдани яна қаҳр билан тепа кетди, тепа-тепа, каналга ағанатиб юборди. Жасад бир-икки юмалаб, "чўлп" этиб сувга тушди...

Инсонийлик туйғуларини батамом унутишган ака-укалар қирғоқдан пастга тушишди. Соғиндиқ секин овозда нимадир деган эди, Муродбой эшитмади. Ҳеч нимани кўрмагандек, тўйхонага кириб келдилар.

— Қаёқда қолиб кетдингиз? — сўради Саида эридан.

Муродбой бепарвогина:

— Айланиб юрибман, — деб қўйди.

Бироқ "айланиш" узоқ давом этмади. Эртасига чошгоҳ маҳали ака-укалар ток новдаларини кўмаётган пайтда уларни милиция ходимлари излаб келди...

Амударё туманидаги "Хоразм" жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи ака-ука Муродбой ва Соғиндиқ Ўрозбоевлар қасддан одам ўлдириш жинояти бўйича ҳибсга олинди ва ҳар иккалови Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми "ж" ҳамда "п" бандлари билан айбдор, деб топилиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Фожиа нима учун рўй берди?

Битта хонадоннинг бирваракайига икки нафар фарзанди озодликдан маҳрум этилмаслиги мумкинмиди? Ҳа, бунинг учун ҳаётдаги ҳар битта қадамни чуқур ўйлаб босиш лозим эди, холос. Одатда, бизда марҳумлар ортидан ёмон сўз айтилмайди. Аммо шундай бўлса-да, мазкур фожианинг юз беришида теварак-атрофимиздаги кенг жамоатчилик қаторида марҳумнинг, яъни Раҳимнинг ҳам айби борлигини инкор этиб бўлмайди. У ҳаётга, турмуш, оила масалаларига енгилтаклик билан қарамаганида, Г.га нисбатан ахлоқсизлик йўлини танламаганида, эҳтимол, бу фожиа рўй бермаган бўларди. Ноўрин ичилган спиртли ичимликлар, ақлни унутиш, жаҳлга эрк бериш ака-ука Муродбой ва Соғиндиқларни жаҳолат йўлига бошлади. Торлик, ақлга иш буюрмаслик эса ҳамиша хорликка олиб келади. Ҳаёт оқими, давлатимиз қонунчилиги ҳар қанақа енгилелпилик, жоҳилликни кечирмайди.

**Холмурод БАҲРОМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Тошкент шаҳар Хўжалик судининг шу йил 16 январдаги 10-0304\255-сонли ажримига асосан "MUS-SAVDO" хусусий фирмасини иқтисодий ночор (банкрот) деб топиш бўйича иш очилган. "MUS-SAVDO" хусусий фирмаси кредиторларининг биринчи йиғилиши Юнусобод туман ДСИ биноси, 2 қават, 15 хонасида шу йилнинг 27 январ куни соат 15.00 да ўтказилади.**

**Манзили: Амир Темур кўчаси, 95 уй.**

**Мурожаат учун телефон: 137-51-75**

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Ж. ЖАББОРОВ
Навбатчи: Б. РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50